

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

“ТОҲИР ВА ЗУҲРА” ДОСТОННИНГ ҚАШҚАДАРЁГА ХОС ТАЛҚИНИ
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЭПОСА «ТАХИР И ЗУХРА» ПО-КАШКАДАРЬИНСКИ
KASHKADARYAN INTERPRETATION OF THE EPIC "TAHIR AND ZUHRA"

Ф.Маматкулова¹

¹ Ф.Маматкулова

— Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси,
филология фанлари буйича фалсафа доктори
(PhD).

Аннотация

Мақолада зукко бахши Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан куйланган “Тоҳир ва Зухра” достони таъсирида Қора бахши Умиров яратган яна бир достон хусусида сўз юритилади. Бахши ўз иқтидори билан ижодий ёндашиб, достоннинг яна бир вариантини яратишга муваффақ бўлди.

Аннотация

В статье рассказывается о еще одном эпосе, созданном Кара Бахши Умировым под влиянием эпоса «Тахир и Зухра» в исполнении пронциательного бахши Рахматуллы Юсуфа оглы. Бахши благодаря своему таланту проявил творческий подход и сумел создать еще одну версию эпоса.

Annotation

This article deals with another story created by the black section Umirov under the influence of the story "Tohir and Zuhra" composed by Rahmatullah Yusuf oglu. Bakhshi was able to create another version of the story with his creative potential.

Таянч сўз ва иборалар: фольклор, достон, бахши, ҳомий, халқ, вариант.

Ключевые слова и выражения: фольклор, эпос, бахши, меценат, народ, вариант.

Keywords and expressions: folklore, story, bakhshi, patron, people, variant.

Фольклоршуносликдаги маълумотларга қараганда, ўзбек халқ китобий достонлари орасида ўзининг ишқий-романтик мазмуни билан алоҳида ажралиб турадиган “Тоҳир ва Зухра” достони Сурхон воҳасида яшовчи бахшиларнинг эпик репертуарида мавжуд бўлмаган. Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг тадқиқотчиси А.Эргашев бунинг сабабини куйидагича изоҳлайди: “Узоқ йиллар давомида олиб борган фольклор экспедицияларида кўплаб бахшилар билан учрашиб, репертуарларини ўрганишга ҳаракат қилганмиз. Аммо Умир шоир Сафаров, Мардонақул Авлиёқулов, Ражаб шоир Нормурод ўғли, Тошмурод шоир Тўра ўғли, Бўрибой Аҳмедов сингари кекса бахшилар репертуарида “Тоҳир ва Зухра”, “Варқа ва Гулшоҳ”, “Зевархон”, “Суманбар”, “Вомиқ ва Узро” каби китобий достонлар деярли қайд қилинмаган ҳамда халқ эпик ижодиётини ўрганишда китобий достонларга эътибор қаратиш эҳтиёжи ҳам бўлмаган. Қашқадарё-Сурхондарё бахшиларининг Қодир бахши Раҳимов, ака-ука Қора бахши ва Чори бахши Умировлар, Қахҳор бахши Раҳимов сингари кейинги саводхон авлоди

китобий достонларни, хусусан, “Тоҳир ва Зухра”ни ҳам ўқиб ўзлаштиришган”.

Дарҳақиқат, Қашқадарё ва Сурхондарёда истиқомат қилувчи бахшилар репертуаридан “Тоҳир ва Зухра” достонининг ўрин олиши қиссахон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли бисотидаги шу номли достоннинг “Ўзбек халқ ижоди” сериясидаги кўптомликда нашр этилиши билан боғлиқдир. 2011 йилда А.Эргашев билан ҳамсуҳбат бўлган Қора бахши Умировнинг куйидаги эътирофи ҳам шу фикрни тасдиқлайди: “Биз отамиз, отамизнинг устозларидан ўрганганларимизни айтаман... Улардан бирор марта “Тоҳир ва Зухра” достонини эшитмаганман. Ўтган асрнинг 70-йилларида, яъни бахшичиликдан воз кечган пайтим мактабимиз кутубхонасига “Тоҳир ва Зухра” деган достон келиб қолди. Бир китобда беш достон бор экан. Шу кунгек ўқиб чиқдим, аммо биз айтадиган усулда эмас экан. Аммо ўқиганларим ҳамон ёдимда”.

Ана шу маълумотни олган А.Эргашев бахши “Тоҳир ва Зухра” достонининг нашр этилган вариантини қанчалик ёдида сақлаб қолганлиги ҳамда уни “ўзининг усулида”

қандай айтишини билиш мақсадида Қора бахши Умировни бу дostonни айтиб беришга кўндиради. Натижада 2011 йилда “Тоҳир ва Зухра” дostonининг Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умиров талқинидаги Сурхон варианты ёзиб олинади. Бу вариант филология фанлари номзоди А.Эргашев томонидан сўзбоши ва луғат билан нашрга тайёрланиб, 2014 йилда “Насаф” нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

Қаҳрамонлик, романтик ва тарихий дostonларни ижро этиши билан эътибор қозонган Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умиров “Тоҳир ва Зухра” дostonининг нашр этилган намунага хос сюжетини асосан сақлаган. Бахши талқинича, бу воқеалар “Сурхон элдан туманда, Қашқа деган томонда, элу юрти омонда, гул очилиб чаманда, Ғузур деган маконда, асли азим шаҳри Қоратиканда” бўлиб ўтгандир. Умуман, дostonда тасвирланган воқеалар бўлиб ўтган эпик жойларнинг Қашқадарё воҳаси билан боғлиқ ҳолда локаллаштирилиши ушбу асарга хос асосий хусусиятлардан биридир.

“Тоҳир ва Зухра” дostonининг Қора бахши Умиров вариантынинг асосий мотивлари мазкур эпик сюжетнинг композицион қурилишини ташкил этувчи анъанавий узвлардан иборатдир. Масалан, бефарзанд эпик қаҳрамонларнинг зурриёд тилаб зиёратга бориши, ўғилли бўлганлигини эшитган хоннинг отдан йиқилиб ўлиши, Тоҳир кампирнинг чархи(парраги)ни синдириши, кўғирмоч детали воситасида онасидан Зухра билан “бешик кертти” қилинганлигини билиши, Тоҳирнинг сандиққа солиб сувга оқизилиши, ўзга юрт подшосининг қизи уни сувдан қутқариши, Подшо қизини Тоҳирга бермоқчи бўлиши ва қаҳрамон ўз севгисига содиқ қолиши, подшо қизини Қоработирга бермоқчи бўлиши, Зухранинг карвонлар орқали Тоҳирга хабар юбориши, Тоҳирнинг ўз юртига қайтиб келиб, Зухра билан учрашиши, подшо Тоҳирни қатл қилдириши, Зухранинг ўз жонига қасд қилиши, қаҳрамонлар қабридан оқ ва қизил гул, Қоработир гўридан тиканак ўсиб чиқиши сингари мотивлар дoston сюжет тизимини ташкил этувчи етакчи элементлар бўлиб, Қора бахши Умиров вариантыда ҳам сақланган. Лекин анъанавий эпик сюжетнинг

айрим мотивлари бахши бадиий маҳорати туфайли ўзига хос тарзда ишланган.

“Тоҳир ва Зухра” дostonининг Қора бахши Умиров вариантыда чўпонларнинг “Таёқ ва оёқ” ўйинининг ўйналиш жараёни ва усули баён этилган, чўпон таёғининг таърифи берилган:

Тол таёқ, толдан таёқ,
Сира қолмас молдан таёқ,
Аждодлардан мерос қолган.
Ота, бобо, чолдан таёқ.

Тол таёқ, чаққон таёқ,
Эгасига ёққан таёқ.

Сурув сурув қўйларни,
Якка ўзи боққан таёқ

Зар таёқ, заранг таёқ,

Кесиби олдим аранг таёқ (“Қора Умиров варианты”, 23-бет).

Бу ўринда “Оёқ ва таёқ” ўйини орқали чўпонлар меҳнати, уларнинг иш қуроли таёқнинг муқаддаслиги таърифланади, бу ўйиннинг жисмоний камолотдаги аҳамияти уқтирилади”. Дostonда чўпон таёғи билан боғлиқ бу шеърини айтимнинг келтирилиши бежиз эмас. Чунки этнограф олим К.Шониёзовнинг ёзишича, “қашқадарёлик қорлуқлар ерда ётган чўпон таёғи устидан ҳатламаганлар. Чунки кимки чўпон таёғи, устидан ҳатласа таёқдай қурийдир, деб ишонганлар”. Бойсунда илгарилари вафот этган чўпоннинг таёғини қабрга майит билан бирга кўмиш одати мавжуд бўлган. Бинобарин, халқ орасида чўпонларнинг ўз таёғини тутамлаб айтадиган “Тол таёқ, толман таёқ” деб бошланадиган айтимлари ўзбеклар яшайдиган барча ҳудудларда жуда кенг тарқалган. Жумладан, Хоразм воҳасидан қуйидаги айтим ёзиб олинган: “Ботган таёқ, ётган таёқ, қолқон таёқ, топган таёқ, минг қўйни боққан таёқ, бой таёқ, қўй таёқ, тўй таёқ, зиён таёқ, фойда таёқ, тутиб қўла, чиқиб чўла..., хорсанг оёқ, чўпон таёқ”. Чамаси, Қашқадарё ва Сурхондарё чўпонлари орасида ҳам шунга ўхшаш айтимлар мавжуд бўлган ва Қора бахши ўзининг “Тоҳир ва Зухра” дostonини айтиш чоғида воҳа дostonчилигидаги анъанага амал қилиб, чўпон таёғи билан боғлиқ этнографик лавҳани дoston матнига синдириб юборган. Бинобарин, эпик матнга бу каби этнографик деталларни қистирма қилиб кетиш ҳолати бахшининг ўзига хос индивидуал услуби билан боғлиқ ҳодиса

бўлиб, “Тоҳир ва Зухра” достонининг бошқа вариантларида учрамайди.

Маълумки, достоннинг кўпгина вариант ва версияларида Тоҳир билан Зухра дунёга келган пайтда уларнинг оталари овда бўлишади. Қора бахши вариантыда ҳам ана шу анъанавий мотив сақланган. Овдаги Қорахон билан Сарихондан суюнчи олиш учун келган навкарлар хотини ўғил туққанлиги ҳақида хушxabардан ўзида йўқ хурсанд бўлган Сарихоннинг бошидаги салласини олиб қўйиши ҳам жанубий Ўзбекистонда яшовчи кўнғиротларнинг удуми билан алоқадор этнографик детал сифатида эпос сюжетида ўрин олган. Бахшининг ўзи ҳам бу одатнинг моҳиятини шундай изоҳлаган: “Кўнғиротларда суюнчининг таомили шундай бўлади. Суюнчи олувчи у шоҳми-гадоми биринчи бўлиб суюнчи берувчининг бош кийимини сўроқсиз қўлга олади. Кейин оғзига нима сиғса, шуни айтиб олади. Агар айтганини бермаса суюнчи берувчи бош яланг қолади, бош яланг қолиш элда ор бўлади. Икки навкар кела солиб Қорахон билан Сарихоннинг салласини олди. Иккови: “Мол кетса кетсин, ор кетмасин”, – деб юқоридагиларни суюнчига беришга мажбур бўлди” (“Қора бахши варианты”, 33-бет).

Маълумки, ўзбек халқ эпосида қахрамонга ёрдам берувчи ғайритабиий ҳомий персонажлар образининг иштироки муҳим ўрин тутди. Кўпинча оппоқ соқолли чол, қаландар, девона кўринишида намоён бўладиган бундай персонажлар эпик қахрамонни мушкул ҳолатдан қутқариш, унга йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш, изланаётган ғаройиб нарса ёки маликани қаердан топиш мумкинлигини билдиришдан иборат ҳомийлик вазифасини бажарадилар. Эпик қахрамонига ёрдам кўрсатадиган ҳомий-персонажлар типичарак жаҳон фольклоршунослигида В.Я.Пропп, В.Н.Новиков, А.Алиева, А.А.Гусейнов ва бошқа олимлар тарафидан тадқиқ этилган. Ўзбек фольклоршунослигида эса эпик ҳомий образининг ўзига хос функциянал хусусиятлари ва мифологик илдизлари масаласи Ф.Акрамов, М.Жўраев, Н.Мадраҳимоваларнинг ишларида ёритилган.

1) **Эпик ҳомий образининг тотемистик типичарак.** Достоннинг бошқа вариантларида учрамайдиган, яъни фақат

Қора бахши Умиров вариантыга хос сюжет элементларидан яна бири ит детал билан боғлиқ ҳолда ишланган эпик ҳомий образининг тотемистик талқинидир. Эпик асарларда от, туя, қуш, илон, кийик каби жониворларнинг қахрамонга ёрдам бериши мотиви кўп бора қайд этилган. “Тоҳир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров вариантыда эса ит образининг мададкор персонаж сифатидаги эпик талқини берилган. Бефарзандликдан азоб чекиб, фарзандталаб бўлиб чиққан Қорахон билан Сарихонга йўлиққан чўпонлардан бири Лангар ота номли зиёратгоҳни кўрсатиб, унинг йўли машаққатли эканини айтиб огоҳлантиради. Шунда икки дўст одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган Жут чўлини кесиб ўтиб, Лангар отага етиб келадилар. Достонга Лангар ота зиёратгоҳи тасвирининг киритилиши Қашқадарё воҳасида шу ном билан аталадиган табаррук маскан мавжудлиги билан алоқадордир.

Қорахон билан Сарихон сувсиз Жут чўлида кўп азобларни кўриб, бир қудуқ ёнига етиб келганларида “сақич очган, калласи кўчган, хуши учган, баданидан гўши қочган, хаёли бузилган, жонидан умиди узилган, сувсизликдан тили бир қарич чўзилган бир ит” қудуқ бошида холсираб ётганини кўриб қолишади. Шунда улар жониворга раҳмилари келиб, хўржинидаги мешни кесиб қовға қилиб, белларидаги чилвирни бир-бирига улаб қовғага бойлайдилар-да, қовғани қудуққа ташлаб сув олиб ўзлари нечоғли чанқаган бўлишларига қарамай, биринчи қовғадаги сувни тош охурга қўйиб итга ичирадилар. Сувдан сероб бўлиб, ташналиги қонган ит “олдинги оёғини ерга тираб, осмонга қараб, Қорахон билан Сарихоннинг муродини Оллоҳдан сўраб” муножот қилади:

Фарзанднинг доғида бағри эзилиб,
Сувсизликдан танда жони узилиб.
Даргоҳингга келар аранг чўзилиб
Бер муродин, банданг ожиздир сенга

(*Қора бахши Умиров варианты, 25-26-бетлар*).

Бу мотивнинг достон сюжетида ўрин олишининг боиси жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналари билан бевосита боғлиқлигини фольклоршунос А.Эргашевнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Тоҳир ва Зухра” достонига

Қорахон ва Сарихон сафарга чиққанда эпик ҳомий Хизр йўл кўрсатади, чўпонлар ёрдамлашади, ташналиқдан ўлар ҳолатда ётган итга бир қовға сув ичиргач, ит Оллоҳга мурожаат қилиб, шу иккисининг муроди (нияти)ни беришни сўрайди. Достонда тасвирланиши, эпик қаҳрамонлар учун Оллоҳдан зурриёд тилаган ит бир зумда ғойиб бўлади. Шу фактнинг ўзи ҳам бу итнинг ғайритабиий тотемистик ҳомий тимсоли эканлигидан далолат беради.

2) **Эпик ҳомий образининг антропоморф типи.** Ўзбек халқ достонларида эпик қаҳрамонга ёрдам берадиган, унга ўзининг маслаҳатлари билан йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳомий персонажларнинг асосийси инсон кўринишида намоён бўладиган образлар бўлиб, улар асосан Хизр, Шоҳимардон пир, оқ соқолли нуроний чол, қаландар ёки девона қиёфасида тасвирланади. Халқ эпосига хос ҳомий-персонаж образининг бундай талқини “Тоҳир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров вариантыда ҳам мавжуддир.

Бефарзанд эпик қаҳрамоннинг олис сафарга чиқиб, азиз-авлиёлар мазоридида тунаб, Оллоҳга илтижо қилиб, фарзанд тилаши ва Шоҳимардон пир ёки Хизр қиёфасида намоён бўлган ҳомий персонажлар унга фарзанд ато қилинганлигини башорат қилиши асосан ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосига хос

мотивлар сирасига киради. Қора бахши Умиров “Тоҳир ва Зухра” достонини айтиш жараёнида жанубий Ўзбекистон достончилиқ анъанасига хос бўлган бу мотивдан самарали фойдаланган.

“Тоҳир ва Зухра” достонидида тасвирланган эпик ҳомий образларнинг бундай икки хил талқини эпосдаги ҳомий-персонажлар типининг шаклланиш жараёни ва бадиий эволюцияси тотемистик тасаввурлар асосида шаклланган ҳомий-персонажлар ҳақидаги халқ қарашларининг ривожланиши натижасида инсон кўринишидаги ҳомийлар образининг антропоморф, яъни инсон шаклидаги типни келиб чиққанлигини кўрсатади.

Достоннинг Қора бахши Умиров варианты халқ достонлари нашрининг бахшилар эпик ижодиётига кўрсатган самарали таъсирининг ёрқин намунаси бўлиб, мазкур эпик сюжетнинг жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналарида қайд қилиниши Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган “Тоҳир ва Зухра” достонининг чоп этилиши билан боғлиқдир. Асосан қаҳрамонлик ва романик достонларни ижро этиши билан ўзига хослик касб этган бу ҳудуд бахшилари эпик репертуарида китобий достонлар мавжуд бўлмаган. “Тоҳир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров варианты эса китобий достонлар нашрининг таъсирида юзага келган.

Адабиётлар:

1. Эргашев А. “Тоҳир ва Зухра” достонининг Қора бахши Умиров варианты // Қора бахши Умиров. “Тоҳир ва Зухра” (достон). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2014.
2. Қора бахши Умиров. “Тоҳир ва Зухра” (достон). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2014. (бундан кейин шу манбадан олинган мисолларга қавс ичида “Қора бахши Умиров варианты” сўзларидан кейин саҳифа рақами бериб борилади – Ф.М.)
3. Эргашев А. Кўрсатилган мақола. – Б.8.
4. Шаниязов К. Ўзбеки-карлуки. – Т.: Фан, 1964.
5. Устоев Ш. Поверья таджиков Байсуна о деревьях и растениях // Труды Байсунской научной экспедиции. Вып.3. Археология, история, этнография. – Ташкент: «Санъат», 2007. С.159-160.
6. Хоразм хазинаси. Тўпловчи: Собир Жуманиёзов. Нашрга тайёрловчи: Комил Нуржонов. – Урганч: Жайхун, 1996.
7. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946; Новиков В.Н. Образы восточнославянской волшебной сказки. – Л.: Наука, 1974. – С.131-158; Алиева А.И. Поэтика и стиль волшебных сказок адыгских народов. – М.: Наука, 1986. – С.96-109; Гусейнов М.А. Функции помощника в азербайджанском фольклоре. АҚД. – Баку, 1992.
8. Акрамов Ф. Манистик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1979. – 6-сон.
9. Жўраев М. «Алпомиш» достонидида мифологик образлар // «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999.
10. Мадраҳимова Н. «Ширин билан Шакар» достони версияларида ҳомий образи Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1998. – 6-сон.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).